

Хайф масжидининг тарихи



13:58 / 24.12.2025 822

Тоғ сатҳидан пастда, сел сувидан баландликда бўлгани учун «Хайф масжиди» деб номланган. Ушбу масжид Мино тоғининг жанубий ёнбағрида, кичик жамрага, яъни тош отиш жойига яқин ерда жойлашган. Ушбу масжид ўрнида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва у зотдан олдинги набийлар ҳам намоз ўқишган.

Язид ибн Асвад розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга ҳаж қилдим. У зот билан бирга Хайф масжидида бомдод намозини ўқидим» *Имом Термизий ривояти.*

Абдуррахмон ибн Муъоз: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга Минода хутба айтдилар... Кейин муҳожирларга буюрган эдилар,

масжиднинг олди томонидан тушишди. Ансорларга буюрган эдилар, масжиднинг орқасидан тушишди. Шундан кейин қолган одамлар тушишди», дедилар. («Сунани Абу Довуд»).

Тарих давомида мусулмон халифалар учун ушбу масжид аҳамиятли жой бўлган.

Ҳижрий 1407, милодий 1987 йили тўқсон миллион риёл маблағ сарфланиб, мазкур масжид биноси кенгайтирилган. Ушбу масжид биносининг 4 та минораси бор. 410 та ҳаво совуткич, 1100 та шамоллатгич ўрнатилган. Бинонинг ёнида 1000 дан зиёд таҳоратхона, 3000 дан зиёд жўмрақлар бор.

**«Макка, Каъба, Замзам тарихи, ҳаж ва умра маносиклари»
китобидан.**

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 7 сентябрдаги 03-07/6905-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.